



**ИҚТИДОРЛИ  
ЁШЛАР —  
КЕЛАЖАГИМИЗ**




**ИЖТИМОЙ  
ХИМОЯ —  
ДИҚҚАТ  
МАРКАЗИДА**




**«ОҚШОМ»  
МАСЛАХАТХОНАСИ**



**ГИЁВАНДЛИК —  
АСР ВАБОСИ**



ЧОРШАНБА




# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлагон

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 123 (9.926)

2003 ЙИЛ 25 ИЮН



## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

ТОШКЕНТ. /ЎЗА муҳбири Назокат Усмонова/. Мустақиллик — халқимизнинг энг улуғ, энг азийз байрамидир. Утган тарихан қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда барча соҳаларда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Исрол Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ёрқин самарасини бераётир. Асакада «ЎздЭУавто» қўша корхонаси, «Шўртан» газ-кимё комплекси, Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш корхонаси буюк бунёдкорлик ишларимизнинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданок иқтисодий жаҳалар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Ўртабшимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури дунёда таълимнинг ўзбек модели сифатида тан олинди. Дастурга биноан фарзандларимиз жадон андозларига жавоб берувчи илм даргоҳларида таъсил олмақда.

Еш авлодни соғлом ва мустақил фикрли, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни оммавий спортга жалб этиш бўйича кенг камровли ишлар амалга оширилляти.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги байрамга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг мажлисида шулар хусусида сўз юритилди.

Халқимизнинг энг улуғ, энг азийз байрами тантаналари кўтаркинчи руҳда, ҳар галгидан ҳам жозибали, шукли, бетакрор ўтиши, унда амалга оширилаётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаро-

вонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларимиз ҳаёти бадиий лаҳзаларда акс эттирилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Байрам баҳона санъатимизнинг янги қирралари намое бўлади, янги-янги истеъдодлар кашф этилади, тантана мазмун-моҳиятига мос замонавий куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган асосий байрам тантаналарида айнан шу жиҳатлар ўз аксини топтомои керак. Бунда истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни тараннум этувчи, миллий ғоя, ватанпарварлик, фидойиликни мадҳ этувчи, Обод маҳалла йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар, бунёдкор ёшлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида бадиий дастурлар яратиш бўйича танловлар эълон қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мажлисида Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда пойтахтда ўтадиган асосий тадбирларда иштирок этувчи фольклор, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши шоирлар таркибини аниқлаш, дастурларни саралаш, асосий байрам тантаналарини тайёрлашда иштирок этувчи бадиий жамоаларга барча шароитларни яратиш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Тошкент /ЎЗА муҳбири Т. БОТИРБЕКОВ/. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида мамлакатимизнинг энг кекса ҳарбий ўқув муассасасида таълим ва тарбия топган ёш офицерларнинг битирувиге бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

## Касби — Ватан ҲИМОЯЧИСИ

Қувонарлиси шундаки, бу йилги битирув Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига тўғри келгани билан ажралиб туради. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари қисм ва бўлимларига янги офицер кадрлар қўшилиди.

Тўрт йил ўқиш даврида билим юрти ёш офицерларининг катта гуруҳи пухта назарий билимларга эга бўлди, назарий фикрлаш, қўйилган вазифаларни ҳал этишга ўрганди, ўзларига замонавий командирнинг юксак хислатларини шакллантирди.

Еш офицерларга лейтенант унвони берилди. Уларга тантанали равишда дипломлар ва кўкрак нишонлари топширилди.

Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошлиғи генерал-лейтенант Т. Жумаев ва билим юрти бошлиғи, генерал-майор Қ. Бердиев битирувчиларни ўқишни муваффақиятли тамомлаганлиги ва ёш офицерларнинг хизмат жойларида катта амалий ишларнинг бошланиши билан самимий табриклади.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги, мамлакатимиз Қуролли Кучлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёш офицерларнинг ота-оналари билим юрти битирувчиларига мустаҳкам соғлиқ, ҳарбий хизматда муваффақиятлар, шахсий ҳаётда бахт тилаб қолди.

Маросимда сўзга чиққан битирувчи Ф. Аҳмедов ёш офицерлар номидан Президент Исрол Каримовга ҳарбий кадрларга доимий гамҳўрлиги учун миннатдорлик билдирди ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қилажакларини таъкидлади.

## XXI саҳоси

Барча маъбаладан олинган сўғити хабарлар

### Мамлакатимизда

• Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Вазирлар Маҳкамасининг «2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг мажлиси ўтказилди.

• БМТ Тараққиёт Дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан Тошкентдаги Халқаро Бизнес марказида «Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури ва Ўзбекистон Республикаси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Тошкент Давлат иқтисодиёт университети халқаро иқтисодий алоқалар факультетида Япония элчихонаси ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ташаббуси билан ахборот маркази очилди.

• Самарқанд Давлат чет тиллар институтида Жанубий Кореянинг таълим тизими масалалари билан шуғулланувчи «КОИКА» ташкилоти ваколатхонаси очилди.

• Конимех туманидаги «Шўркўл» ширкат ўҳжалигида масҳар ёғи ишлаб чиқарила бошланди.

• Кегайли туманидаги Бакир Каримбердиев номли ҳўжалик ҳудудида замонавий қишлоқ шифо маскани фойдаланишга топширилди. Шўкўронғил овулида қад рўстлаган ба маскан кўнига 50 беморга хизмат кўрсатади.

### Жаҳонда

• Украина пойтахти — Киевда «СамКочавто» қўша корхонасида ишлаб чиқарилган автомобиллар кўргазмаси ташкил этилди. Мутахассислар Самарқанддан келтирилган автомобилларга юқори баҳо беришди.

• Исроил ва Фаластин ҳукумат делегациялари тез кўнларда ҳамкорликда иқтисодий лойиҳалар тузиш мақсадида учрашув ўтказида.

• Ямайканинг Сент-Мэри округида ўтказилган маҳаллий парламент сайловларида голиб танга отиш орқали аниқланди.

• Филиппин Президентини Глория Арройо чекишга қарши кураш бўйича қатъий қарорлар киритиш тўғрисидаги қонунга имзо чекиди. Унга кўра чекувчиларнинг жамоат жойларида бўлишлари ман этилади. Тамаки маҳсулотлари савдоси чекланади.

### ПОЙТАХТНИНГ Дир кўни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

□ **КЕЧА** «ЭКОСАН» халқаро жағфармасининг Тошкент шаҳар бўлими келажағимиз ворисларининг ёзги дам олиш мавсумида ўткир юқумли хасталикларнинг олдини олиш мақсадида дам олиш масканларига Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ҳамкорлигида 2,5 миллион сўмлик қийматга эга бўлган 660 литр «Полисент» дезинфекцияловчи сууюклини топширди.

□ **БУГУН** халқаро гийевандлик-қарши кураш кўни муносабати билан шаҳримизнинг Сайилгоҳ қўмасида соат 16.00 дан 20.00 гача Республика Оқсоқоллар кенгаши ва

«Маҳалла» жағфармасининг Тошкент шаҳар бўлими, БМТ қўшидаги «Вич-СПИД ва гийевандлик профилактикаси қўша лойиҳа»си ҳамкорлигида тадбир ўтказилди.

□ **КЕЧА** Тошкент тўқима-чилик ва енгил саноат институтида «Биз ёшлар соғлом турмуш тарзини танлаймиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

□ **КЕЧА** Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг халқаро иқтисодий алоқалар факультетида Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Япония элчихонаси кўмағи остида Ахборот марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Энди талабалар япон тилини мукаммал ўрганиш имконига эга бўладилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўша корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли, бежирим, муҳими, экологик тоза бўлган маҳсулотлар доврўғи республикамиздан ташқарида ҳам маълуму машҳур.

**СУРАТДА:** корхонанинг моҳир хайкалтароши (ўртада) Марат Нуриббетов тажрибали бўёқ берувчилар Албина Галиева ва Татьяна Петровалар билан тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

Сергей Любич олган сурат.

## Иқтисодиёт

КИЧИК ВА ЎРТА  
БИЗНЕС — МУҲИМ  
ТАРМОҚ

Мустақиллик туфайли республикада барча соҳаларда сезиларли ютуқларга эриша бошладик. Ички бозоримизнинг маҳсулотлар билан тўлиб туриши бугунги кунда кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесда меҳнат қилаётган тадбиркорларга боғлиқ бўлапти. Чунки, жаҳон ҳўжалик тизимида кичик ва ўрта корхоналар дунёдаги жами ишга яроқли аҳолининг 50 фоизини иш билан таъминлайдилар. Шундай экан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, ялпи иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмайди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртача ўз мулкига эга бўлган ва ўз меҳнати эвазига оиласини ва бошқаларни боқишга қурби етадиган кишилар ҳисобланади. Бундай тоифадаги кишилар ривожланган мамлакатлар аҳолисининг асосий қисmini ташкил этади.

Биринчидан, аҳолини иш билан таъминлашни, давлатнинг иқтисодий ўсиши, бозорни турли товар ва хизматлар билан бойиши, иқтинидан, аҳоли бандлигини ошириши, унинг даромадини кўпайтири олиши кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ижтимоий аҳамиятидир.

Кичик ва ўрта бизнес кўп уқладли тизимда алоҳида ўрин тутгани учун давлат ҳар хил йўллар билан унинг ривожини рағбатлантиради. Улар орасида солиқ воситасида рағбатлантириш асосий ўрин тутди. Шунингдек, давлат шундай корхоналарни микрокредит билан қўллаб-қувватлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг микрокредитларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, марказий банк «тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари ҳамда яқка тартибдаги ишбилармонларни барча молиялаш манбаларидан миллий ва чет эл валютасида кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низомни жорий этилди. Микрокредитларнинг 50 фоизигача бўлган миқдори нақд пулда бериш ҳамда банк билан доимий алоқада ва яхши кредит тарихига эга тадбиркорларга фақатгина ариза ва бизнес режага асосан ишончли микрокредитлар бериш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса тадбиркорлар учун хом ашё ва материаллар сотиб олишни енгиллаштиради.

Умуман олганда, кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, инвестициялар жалб қилиш, аҳолини иш билан банд этишни қасолатлайди.

**Обиджон ҒАҒУРОВ,**  
Тошкент молия институти магистранти.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, боқимандалик қайфиятидан халос қилиш, тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш ва уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини шакллантириш учун давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит яратиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда, — деди Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Ботир Ўбаидуллоев.

Бугунги ёшларимиз орасида боқимандалик қайфиятида юрган, енгил-елли ҳаёт кечираётган ёш бизнесни олиб-сотарлик деб тушунадиганларни ҳам учратиш мумкин. Баъзи иқтидорли ёшлар

## ЁШЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КўНИКМАЛАРИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент маркази билан ҳамкорликда «Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш» мавзусида семинар тренинг ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги олий ўқув юр்தларининг иқтисоди йўналишида тахсил олаётган талабалар иштирок этди.

Ўзларидаги билим ва тажриба-ларини амалда татбиқ қилишда турли қийинчиликларга дуч келиб, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезишди. Келажагимиз эгалари бўлган бу иккала тоифадаги ёшларимиз учун ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун маълум йўл-йўриқларни кўрсатиш ва шароит яратиш, ҳақиқий тадбиркор қандай

бўлиши кераклиги ҳақида тушунарча бериш долзарб вазифадир. Семинар тренингнинг ўтказишда кўзда тутилган асосий мақсад айнан шунга қаратилган.

Семинар тренинг ўзига хос услубда ўтказилди. Кўнингиларини ярмидан иштирокчилар ёш тадбиркорнинг устунлиги ва камчилик томонлари, бизнесдаги янги имкониятларни аниқлаш, истиқболли ижобий бизнесни


танлаб олиш каби йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишди. Тадбирнинг иқтинидан қисмида эса сармояни қандай жалб қилиш ва бизнесни қай тариха бошлаш йўллари ўргатилди.

Бизнес режа устида ишлаш борасида гол-б чиққан гўруҳларга эсдалик совгалари ва сертификатлар топширилди.

«Туркистон-пресс»

• КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — АМАЛДАЎзлуқсиз таълим  
истиқболлари

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети илмий ҳамда таълим жараёналарида катта салоҳиятга эга, турдош ўқув юр்தлари орасида юқори поғоналарни эгаллаб келаётган етакчи олий ўқув юр்தи ҳисобланади. Шу ҳам эътиборга лойиқки, ТДТУда биринчилар қаторида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди. Ва ҳозирда университет таркибида учта институт фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ТДТУ фаолияти халқаро андозаларга мувофиқлигидан далолатдир. Агарда солиштирадиган бўлсак, масалан, Россиянинг Москва давлат университети бундай тизимни эдигина жорий қилмоқда. Ўз навбатида, ТДТУда бу жараён давом этмоқда. Тошкент Давлат техника университети олий математика кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Фаруқ НОСИРОВ таълим соҳасида бундай ўзгаришлар нечоғли аҳамиятга эга эканлиги борасида сўз юритиб, маъзур олий ўқув юр்தида шаклланган ўзлуқсиз таълим тизими хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди:



бораториялар 150 дан зиёд янги замонавийлаштирилган компьютерлар билан бойитилиб борилади. Кафедра ва лабораториялар яқона локал тармоғи ҳамда интернетга уланган. Бундан ташқари, қутубхоналарда ҳам интернет орқали талабалар ривожланган давлатлар ўқув юр்தлари қутубхоналари ҳамғармасидан фойдаланиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Миллий университети каби ТДТУда ҳам мустақил равишда фанларни чуқур, фундаментал ўқитиш жорий этилган бўлиб, бунда университет мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган таълим андозалари қўлланилади. Масалан, агарда олий математикадан соатларни кўпайтириш зарурияти туғилса, бу масалани илмий кенгашда ҳал этиш мумкин.

Ҳар бир ўқув юр்தи давлатимизнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш,

ундан юксак даражада самарали фойдаланиш, ўқув юр்தларини битириб чиқаётган ёшларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун маъсул эканини унутмаслигимиз лозим. Хусусан, университет битирувчиларини банд қилиш масаласи доимий равишда кун тартибда қўрилади. Бу борада вазирлик ва идоралар, «Ўзбекнеғирго» ДАК, «Нефть ва газ» корпорацияси, Олмалик ва Бекобод металлургия қўшма корхоналари, Ангрен ГРЭСи, «Қўмир» АЖ, бошқа етакчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик урнатилган. Улар иштирокидаги қўшма илмий кенгашларда аукцион тизими орқали ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш масаласи ҳал этилади. Тахсилларга қўра, компьютер ва ахборот технологиялари ҳамда геолог — муҳандис мутахассисларга талаб ортиб бормоқда. Тула қондириш имкониятимиз етарли бўлмагани туфайли бу борада илмий кенгашга айрим факультетларга талабалар қабулини кўпайтириш масаласи қўриб чиқиш учун қўрилган. Биринчи ўқирма қилинган магистрантлар ҳам деярли ишга жойлашган. Улардан энг юқори натижаларга эришган 50 нафарини университет кафедраларида қолдиришга қарор қилинди. Ўз навбатида, бу билан яна бир масала ижобий ҳал этилишига замин яратилмоқда, хусусан, педагог кадрларни тарқибни ўзимиз етиштирган мутахассислар ҳисобидан ёшартириб бориш. Ҳозирда уларнинг аксари яти Германия, Жанубий Корея, Россия давлатларида тажриба ортириб, малакасини ошириб келган ва айна пайтда фан номзодлиги ва докторлик диссертациялари устида ишлашлар олиб бормоқда. Демокримани, университетда кўп босқичли ўзлуқсиз таълим тизими тузилган.

ТДТУнинг яна бир имконияти ҳақида гапириб ўтиш жоиз деб биланам. Бу ерда қўриб Беруний академияси фаолият кўрсатмоқда. У халқаро сертификатга эга Академия фаолиятига оид «Техника колдузлари» журналы ҳам чоп этилади. Маъзур нашр саҳифаларида республикамиз олий ўқув юр்தлари олим мутахассислари билан биргаликда талабалар, ўрта махсус ўқув юр்தлари ўқувчилари ҳам ўз илмий изланишлари билан чиқиш имкониятига эгадир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 июндаги «2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 20 июндан бошлаб бошқа олий ўқув юр்தлари қаторида Тошкент Давлат техника университетида ҳам қабул комиссияси ўз асосий ишини бошлади. Олдинги йиллардан фарқлиқ, бу йили абитуриентлар ҳужжатларини бир манзил бўйича эмас, бир-бирига яқин жойлашган университетнинг бешта биносида ташкил қилинган қабул комиссияларига топшириш мумкин. Тажрибадан келиб чиққан ҳолда қабул комиссияси тарқибий сони ҳам анча кенгайтирилди. Абитуриентлар қизиқтирган саволларига вақолатли жаваб олиши учун тажрибали мутахассислардан иборат маслаҳат столлари жорий қилинди. Шунингдек ота-налар ҳам керакли шарт-шароитлар мавзуда. Университетнинг асосий корпусида ички телестудия орқали фойеда ўрнатилган мониторинглар қабул ҳамда имтиҳон жараёналарини мунтазам кузатиб бориш мумкин. Бундан ташқари, ёшларимиз университет ҳаётидан кўпроқ тасаввурга эга бўлиши учун ҳар бир факультет йўналишини ифодаловчи қўрғазмали стендлар ҳамда олимлар ва талабалар иштирокчилар — ахборот маҳсулотларидан тарқиб топган қўрғазмалар ҳам ташкил қилинган.

Хулоса қилиб, шуни айтиб ўтмоқчиманки, ўтган йили ТДТУга 7000 дан зиёд абитуриентлар ҳужжат топшган бўлса, жорий йилда улар сони бир неча бор қўпайиши кўтилмоқда. Демак, бу борада ҳар томонлама маъсулиятни кўпайтиришимиз лозим.

Ильмира Зайнутдинова ёзиб олди.

## ЯХШИЛИК ВА ОДОБ ШҲРИСИДА

«Одамларнинг яхшиси — одамларга  
манфаатлироғидир».  
(427-ҳадис)

Ёмон ўйларим кўнглимдан ўчинг,  
Яхшиларим-ей, қозоғга кўчинг.  
Аввал унга сен ёққил,  
Сўнгра сен унга боққил.  
Асло узиб бўлмас қарз —  
Устоз берган таълим-дарс.  
Андиша — тиник шиша —  
Яраклайди ҳамиша.  
Ахли илм фикрлашур,  
Билимлари чуқурлашур.  
Аламини ичига ютганлар —  
Алардур ғолиблар — ютганлар.  
Кимки бўлса камтар — мулоим —  
Эъозланур элда ҳам доим.  
Ачиса гар бир юпунга юрагинг,  
Ўз халқингга бўлганингдир керагинг.  
Бўлсин виждоний қойданг —  
Ўзгага тегсин наф — фойданг.  
Бировга қилиб эҳсон,  
Миннат қилмас пок инсон.  
Берилган чин тасаллидан —  
Тузалган кўп касалликдан.  
Билган одамнинг келар билгиси,  
Шудир ул зотнинг улуг белгиси.  
Биз барчамиз бир одаммиз,  
Хар биримиз — бир оламимиз.  
Билганинг пишитилг ичингда,  
Синаб кўр бажарар ишингда.  
Бир гапимни кўяй эслатиб:  
Яхши одам юрмас кесатиб.  
Биласизми саҳий инсон —  
Енгил тортар қилиб эҳсон.  
Битмай қолса иш — ҳоҳатинг,  
Майин қилгин важоҳатинг.  
Барча билсин-да куйганингни,  
Ошкор этма суйганингни.  
Билмаганин тан олган  
ошкора,  
Ошур унинг ҳурмати  
тобора.

Хар қаерда яхши ибрат —  
Чин таълимдан иборат.  
Билганга мактов —  
Энг одил синов.  
Билимдонлар ичида емагани панд —  
Хисобланар аҳли доғишманд.  
Дерлар, бўлгил қатъиятли,  
Энг зарури — пок ниъатли...  
Борига қилганлар қанот—  
Кўрмагай ҳеч ёмон синоат.  
Билиминг ортиб борсин,  
Олдинга тортиб борсин.  
Дилғашлиқни эрталабдан ташлагил,  
Яхшиликни эрталабдан бошлагил.  
Давлатмандни саховат саклар,  
Савдогарни ҳисобот саклар.  
Дарахт шохи нега эгилган?  
Ха, меваси роса етилган.  
Даврада тилин тийган,  
Одоб либосин кийган.  
Тил билан дил қўл беришадур,  
Максадга тез эришадур.  
Дононинг дегани ҳам ибрат,  
Егани ҳам ибрат.  
Дилингда бўлса ҳақ гап,  
Айтгил, элга тегсин наф.  
Эй, мухтарам инсон,  
Имонликка инон!  
Эъозламак зиёлини,  
Четлаштирмак зиёлини.  
Эпласанг бой бўл,  
Лек, хотамтой бўл.  
Гуноҳсизни афв этиш,  
Адолатда олға кетиш.  
Гар ўзингда сезсанг нуқсон,  
Фақат кўмак берар виждон.  
Гўзалликка қарашлик —  
Дилда йўқотар ғашлик.  
Мевали дарахтга тош тегар,  
Чунки ул оқилдай бош эгар.  
Яхшиларни ёмонлар қопар,  
Худо унга жазосин топар.  
Соғлиғингни яхшилаб юр,  
Билимингни янгилаб тур.  
Кимда бўлса кучли ирода,  
Қолиб кетмас четда — йирокда.  
Маънавий соғлом бўлиш,  
Кексайса ҳам берар иш.  
Ким бажарса ўз бурчини —  
Кўрсатгани ўз кучини.  
Сўз турадур тилингни учиди,  
Чикаришга хушёр бўл жуда.  
Касбинг сени улуғлайди,  
Йўқчиликдан қўриқлайди.  
Ораўинг гар бўлса улуг.  
Бир кун кўнглинг этар ёруғ.

Раҳмлини кўзидан бил,  
Фаҳмлини сўзидан бил.  
Ураб турар хар қадамда эзгулик,  
Керак дерлар уни дилдан сезгулик.  
Увол қилмай тежамоклик,  
Ўз турмушин бежамоклик.  
Сирни саклай олур тил билан кўнгли,  
Ошкор этмаслиқчун кўзингни юмгил.  
Ўзгалар ҳақидан кўрк,  
Бахш этар кўркинга кўрк.  
Саҳийнинг кўнгли кенгдур,  
Энг мусаффо кўкка тенгдир.  
Ўз ҳурматинг сакла ўзинг,  
Кўмак берар сўзинг, кўзинг.  
Тавба қилган ич-ичидан,  
Тузалгайдур ўзи чиндан.  
Устозини қилган эъоз,  
Бир кун бўлар ўзи устоз.  
Сўрайдилар не деб савоб?  
Имонлилар берар жавоб.  
Соғломга меъёр,  
Доим эрур ёр,  
Сирни ҳар ким ўзи сакласин,  
Ҳаммадан ҳам кўзи сакласин.  
Ўз жонини ким қойтадур,  
Она ерни ул бойтадур.  
Тўлғониб турганда вазият,  
Яхшилар чекади азият.  
Тупроқданин кўтариб бош,  
Тупроққа бош кўяр қуёш.  
Нур таратар кўкдаги юлдуз,  
Боғ яратар ердаги илдиш.

### • ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН

Пўлат МҲМИН,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ЮРАК ЗАВҚ-У ДАРДЛАРИМ АЙТАР БАЙТ-У ФАРДЛАРИМ

Ёшлик нега тез ўтар жуда?  
Кучи кўп-да унинг ичиди.  
Тоза бўлса қай элатнинг уруги,  
Кўп бўлади унинг доно, улуги.  
Дано сўзин фаҳмлаб олгин,  
Сўнг топгандай бўласан олтин.  
Ишга солиб ақлингни,  
Ёқла доим ҳақлини.  
Билиб кўйгин ҳақиқатда —  
Олтин ётар қатта-қатта.  
Бирор доно қилса-чи хато,  
Умри бўйи унутмас ҳатто.  
Ватан ерида бўлсин обёнг,  
Лекин атрофда бўлсин қулоғинг.  
Ишонганинг ишончини оқлаб юр,  
Яхшиларга қувончингни саклаб юр.  
Яхшиларга кўз тегар,  
Ёмонларга сўз тегар.  
Дўстлар — эъзоз-эҳтиром  
Этаверсин ул давом.  
Сўзни кўпроқ тинглаш создир,  
Ундан кўра англаш создир.  
Танинг соғ, хотиринг жам,  
Бахтинг эрур иккови ҳам.  
Уста машқидан ҳайқал  
Топи бошлайди сайқал.  
Учар қуш ҳам ахир бориб кўнадур,  
Инсон эса кўп нарсига кўнадур.  
Тоза бўлса томирдаги қон,  
Покизадир авлод ҳар қачон.  
Яхши зотиға тортадир,  
Ёмон ортиға тортадир.  
Ҳар битта зоти тоза,  
Яхшиларга андоза.  
Яхшилар сўзидан даволар олдим,  
Фарқига бормасдим, қаранг-ки олдин.  
Яхши гапнинг қалтаси —  
Маъноларнинг қаттаси.  
Ёмонга ҳам яхши гап —  
Бир кун бериб қолар наф.  
Агар қизлар бўлса эпли,  
Бўлар эмиш бахтли, сепли.  
Ўтиб турсанг яхшиларнинг кўнглидан,  
Ишларингни келганидир ўнгидан.  
Яхшилик қилавер келса қўлингдан,  
Бир кун топарсан кўнглингдан.  
Ёмон сўзинг кўпайтирар ёвингни,  
Ҳатто бир кун қочирадир тобингни.  
Яхшилигинг қайтса ўзинга,  
Олам равшан яна кўзингга.  
Яхшиликни касб қилиб олдим,  
Дилим шодон, равшан кўз олдим,  
Кўнгли гўё туби йўқ денгиз,  
Яхшиликлар сиғишга тенгсиз.  
Асиллик ул насли — насабдандир,  
Яхшилик ҳам асли асабдандир.  
Ҳар кимсада мулоимлик  
Бўлса эди ҳар доимийлик.

Ким кирса яхшилар йўлига,  
Ўхшайдир одамнинг гулига.  
Эй азизлар, сиз ҳам мендай йўл тутинг,  
Ёмон гапни эшитинг-у унутинг.  
Бемор ҳолин ўзинг сўра,  
Савоб иш йўқ ундан кўра.  
Кексайганда яхши қайтиш,  
Оғизга бол солиб айтиш.

## ҚАБИҲЛИК ШҲРИСИДА

«Одамлар орасини бузадиган  
чақимчиликдан саклангилар»  
(390-ҳадис)

Лоқайдга дардинг айтаверасан,  
Хар сафар қуп-қуруқ қайтаверасан.  
Уюштирган иғво-ю фитна,  
Эл қалбига санчилган игна.  
Қай ҳунарманд ҳамкасбини менсимаса,  
Ўз касбидан қила олмас асло мазас.  
Бўлар-бўлмас асабга тегиш  
Ул кимсанинг қаддини эғиш.  
Умр ўтишига боқамиз-да суст,  
Пайти келиб чекамиз афсус...  
Дуч келса гар гўдайган,  
Нари юргил ундайдан.  
Юлдуздир кўринар расадхонада,  
Фақат тун кўринар хасадхонада.  
Нима учун кериладир ғоз?  
Бўлган-чун фаҳми оз.  
Бир нодонни роса макташди,  
Нодонлиги янада ошди.  
Аслида ҳадеб ялиниш,  
Тузалмас касалга  
чалиниш.  
«Ишлатилиб» бир сўйил  
— қалтак,  
Бўлиб қолмиш охири қалта...  
Ўрганса ким  
ҳаром-ҳаришга,  
Илож йўқдир ҳеч  
қутқаришга...  
Қилаверган ҳадеб зўрлик,  
Бўлиб қолар бир кун шўрлик.  
Нега унинг ранги  
заҳил ва сарғиш?

Ахир унга теккан-да қарғиш.  
Тўсат йўлдан чикса бирор зўравон  
Мактасанг-чи қоласан омон.  
Бирор одам текин ошга қилса ружу,  
Бўйин товлар меҳнатдан шил-шу...  
Баъзи бир гина  
Заҳарли игна...  
Айш-у ишратдаги ҳамроҳ,  
Узоқ бормас экан, эй, воҳ...  
Баъзиларни қаранг, олиб аксига,  
Ихтиёрин топишар нафисига...

## МАРДЛИК ВА НОҚЛИК ҲАҚИДА

«Оллоҳ ўзи кечирувчи зот,  
кечирувчини яхши қўради».  
(191-ҳадис)

Ботир ёвга келганда дуч,  
Пайдо бўлар янада куч.  
Бўлса кимнинг гурури,  
Бўлғай завқ-у сурури.  
Бўлсанг агар мард йигит,  
Аввал ғафлатни йикит.  
Хар кимга дардингни айтма,  
Бебурдларга шартинг айтма.  
Одамнинг қиммати —  
Элига ҳиммати.  
Эл ичида бордир нақл:  
Қурашади жаҳл ва ақл.  
Ўз айбини ўзи тан олиш,  
Ўз обрўин тез саклаб қолиш.  
Эҳ, кимлар ўтмаган бу йўлдан,  
Нималар ўтмаган кўнглидан.  
Эй, оғир экан ҳам деган энгил,  
Мозор зиёрат қил, тортасан энгил.  
Бўлсанг агар элнинг кексаси,  
Ҳеч кимнинг қотмасин ундан энсаси.  
Қулса элнинг ўз миллийлиги,  
Тили бурро, тўқдир илги.  
Очилиб-ёпилиб турсин-да эшик,  
Она алласидан тебрасин бешик.  
Хоин доим ҳавотирда,  
Бу ҳолат йўқ баҳодирда.  
Хаёт пойға, кимдир ўзиб кетадир,  
Йўл билмаган тезда тўзиб кетадир.  
Гулни қилган парвариш,  
Асло билмайдир қариш.  
Хаёт деган бу майдон кенг,  
Мард бўлсанг-чи нафсингни енг.  
Хар кимсада сабр ила бардош,  
Бўлмасин-да ҳеч қачон одош.  
Кимнидир овқат саклайди,  
Марднинг-чи тоқат саклайди.  
Ўрганган ҳунаринг ўз мулкинг эрур,  
Ишлатиб юргин-у, сайқал бериб тур.

Зарарни тўлаш меҳнат жараҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб жабрланувчи-га унинг ўртача ойлик иш ҳақининг маълум миқдоридан пул тўлашдан, саломатлигининг ёмонлашуви билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплашдан ва бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир. Жабрланувчиларнинг меҳнат жараҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даражаси (фоиз ҳисобида) ва қўшимча ёрдам турларига бўлган муҳтожлиги тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади. ТМЭКда солиқни текширувдан ўтказиш иш берувчи ёки бахтсиз ҳодиса юз берган корхона касаба уюмчаси кўмитасининг йўлланмаси бўйича ёки саломатлиги шикастланган шахсининг керакли ҳужжатларни (бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклдаги далолатнома, касб касаллигига йўлиққанлиги тўғрисидаги хулоса) илова қилган аризаси ҳамда даволаш муассасасининг йўлланмаси бўйича амалга оширилади. Зарар миқдорини аниқлаш учун олинладиган ўртача ойлик иш ҳақи эса меҳнат жараҳати олган ёки меҳнатга лаёқатсизлик даражаси пайсийи аниқланган кундан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги 12 ой мобайнидаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда, айрим сабабларга кўра,

бўлмаган кишилар учун белгиланади ва унинг миқдори суд қарори билан марҳум ҳаётида белгиланган бўлмаса, шу кишининг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда иш берувчи томонидан белгиланади ва бу сумма марҳумнинг иш ҳақидан чегириб ташланади. Қолган сумма марҳумнинг қарамоғида бўлган шахсларга аввалги хат бошида кўрсатилган тартибда аниқланади.

Шу ҳолатни бир мисолда кўриб чиқайлик. Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган шахсининг оила аъзолари 4 кишидан иборат: унинг ўзи, 48 ёшдаги ишламайдиган хотини, балоғатга етмаган 13 ва 15 ёшга кирган 2 фарзанди бор. Булардан ташқари унинг 64 ёшга чиққан отаси бошқа манзилда туради. Марҳумнинг ўртача маоши 42 минг сўм дейлик. Аввало, отага тўланадиган зарар миқдори белгиланади, айтилик, унинг нафақа олиши, бошқа фарзандларидан ҳам ёрдам олиши-лиги мумкинлигини инобатга олиб, иш берувчи унга муддатсиз даврга ҳар ойга 5 минг сўм тайинлади. Балоғатга етмаган 2 фарзанд учун тўланадиган зарар миқдори 18500 сўмни ташкил қилади: (42000-5000) : 4 x 2=18500 сўм, ёки ҳар бир фарзанд учун аниқланган зарар миқдори 9250 сўм бўлади

## Зарар миқдори қандай қопланади?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 189-моддасида «Ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши орқали зарар етиши ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаш шарт» деб белгилаб қўйилган.

тўлиқ ишланмаган ойлар (фуқаронинг ҳрҳишга кўра) ҳисобдан чиқариб ташланади ва бевосита олдинги ойлар билан алмаштирилади. Касб касаллигига чалинганлар учун ўртача ойлик иш ҳақи бундай касалликка сабаб бўлган ишни тўхтатишдан олдинги 12 ой бўйича белгиланиши ҳам мумкин.

Зарар миқдорини аниқлашда, жараҳат олиш туфайли тайинланган ногиронлик пенсиялари, бошқа турдаги пенсиялар, жабрланувчининг жараҳат олганидан кейинги иш ҳақи ва бошқа даромадлари умуман ҳисобга олинмайди.

Айтилганларни мисоллар орқали кўриб чиқайлик. Масалан, ходим ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида 40 фоиз ишлаш қобилиятини йўқотди деб топилди, унга III гуруҳ ногиронлиги белгиланди ва 9600 сўм пенсия тавсия этилди, янги иш жойидаги маоши 12500 сўмни ташкил қилди. Ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи бахтсиз ҳодиса содир бўлгунча 23 минг сўм бўлсин. Унга корхона орқали ҳар ой тўланадиган зарар миқдори 9200 сўмни ташкил қилади (23000 с x 0,4), унинг олаётган 9600 сўм пенсияси ва 12500 сўм (кейинги) маоши умуман инобатга олинмайди. Бундан ташқари иш берувчи томонидан шу ходимга бир йўла бериладиган нафақа тўланади. Унинг миқдори жамоа шартномаси орқали белгиланади ва амалиётдаги қонун ва қоидаларга асосан жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги керак. Демак, бизнинг мисолдаги ходимга 276 минг сўм бир йўла бериладиган нафақа тўланади. (23000 с x 12).

Етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи жабрланувчига, юқоридаги тўловлардан ташқари, меҳнат жараҳати туфайли қилинган қўшимча харажатларни ҳам (агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олмаган тақдирда) тўлашга мажбурдир.

Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш оқибатида ходим вафот этса, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз кишиларга, у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин тузилган фарзандига, шунингдек меҳнатга лаёқатлигидан қатъи назар ишламаётган ва марҳумнинг 3 ёшга тўлмаган болалари, укалари, сингиллари ёки набиралари парвариши билан банд бўлган оила аъзосига етказилган зарарни тўлаш шарт.

Бу ўринда 16 ёшга тўлмаган, балоғатга етмаганлар, бу ёшдан ошган ва ўқув юрларининг кундузги бўлимларида ўқиб турган 18 ёшгача бўлган ўқувчилар, 60 ёшга тўлган эркаклар, 55 ёшга тўлган аёллар ёхуд белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланади.

Бундай ҳолларда, зарар миқдори марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан унинг ўзига ва унинг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатли, зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тўғри келадиган пулини чегириб ташлаган ҳолда белгиланади. Ҳар бир шахс учун тўланадиган зарар миқдорини белгилаш учун қолган сумма ана шу шахслар сонига тақсимланади.

Кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида зарарни марҳумнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларига ва унинг қарамоғида бўлмаган, аммо марҳумдан у вафот этган кунга қадар ундан ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга белгиланган керак бўлади. Бунда аввало зарар тўловлари вафот этган шахс қарамоғида

(18500:2). (48 ёшдаги хотини зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга эмас).

Боқувчини йўқотганиги муносабати билан зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси, бошқа тур пенсиялар, улар олаётган иш ҳақи, стипендия ва бошқа даромадлар қопланадиган зарар тўловини ҳисоблашда инобатга олинмайди.

Боқувчисининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар иш берувчи марҳумнинг, агар жамоа шартномасида кўпроқ на-зарда тутилмаган бўлса, олти йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида бир йўла бериладиган нафақа тўлайди. Етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза иш берувчи (корхона раҳбари) номига берилади ва унга жабрланувчи тарафидан ТМЭКнинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси тўғрисидаги хулосаси, боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар эса боқувчининг вафоти тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, турар жойидан оила аъзоларининг таркиби тўғрисидаги тўла маълумотнома, ўқув юрларининг кундузги бўлимида ўқитганлар учун — шу тўғрисида маълумотномалар илова қилинади. Ариза иш берувчи тарафидан ўн кун муддатда кўриб чиқилиши ва тегишли қарор қабул қилиниши шарт. Қарор корхона маъмуриятининг буйруғи билан расмийлаштирилади, унда тўланиши керак бўлган зарарни аниқлаш ҳисоб-китоблари, зарар миқдорлари ва тўлов муддатлари, боқувчисини йўқотганлар учун эса зарарнинг ҳар бир оила аъзоси (давогар) ҳисобига тўғри келадиган қисми кўрсатилади.

Агар жабрланувчилар иш берувчининг қароридан норози бўлса ёки ариза топширилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўз аризасига жавоб олмаса, ўз турар жойидаги ёки корхона жойлашган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши мумкин.

Етказилган зарарни қоплашни сўраб иш берувчи (маъмурият)га мурожаат қилиш муддати қатъиян белгилаб қўйилмаган, лекин ариза жабрланувчининг меҳнат жараҳати туфайли ишга лаёқати йўқотилган кундан ёки боқувчининг вафотидан 3 йилдан кейин берилган тақдирда зарарни тўлаш ариза берилган кундан бошлаб амалга оширилади.

Зарар тўловлари ойма-ой ушбу ой тугашидан кечикмай тўланади ёки олувчилар хоҳишига кўра, уларнинг ўй манзилига почта орқали юборилиши ёки банкдаги счётига ўтказилиши мумкин. Зарарни қоплаш учун тўланадиган сумма индексация қилинади ва энг кам иш ҳақи марказлаштирилган тартибда оширилганда, у ҳам мутаносиб равишда кўпайтириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 58-моддасига асосланиб меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқа тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган ҳамда боқувчисини йўқотганиги муносабати билан зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўланадиган зарар тўловларидан ҳеч қандай солиқ олинмайди. Шунингдек зарар тўловлари суммасини олувчига етказиб бериш ва жўнатиш харажатлари иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

**Қобил ДАДАБОВЕВ,**  
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенга-  
шнинг меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича  
етакчи мутахассиси.

## БУНЁДКОРГА МАДАДКОР

Пойтахтимизнинг янада чирой очиб, обод бўлишида «Норуда» очик акциядорлик жамиятининг арзигулик хизматлари бор. «Норуда» мамлакатимиздаги кўхна, катта салоҳиятга эга бўлган корхоналардан биридир.

«Норуда» корхонасининг касаба уюшма кўмитаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг корхонадаги бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан биргаликда маданий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб бормоқда. Ишчи ахлини ижтимоий ҳимоялаш асосий вазифамиздир. Шунингдек, ходимларимизга, кам таъминланган пенсионерларга моддий ёрдам бериб келинмоқда. Кекса ёшдагиларнинг пенсиясига ҳар ойда қўшимча ҳақ

тўланади, ёлғиз, ёрдамга муҳтож пенсионерларнинг хонадонлари таъмирланади, даволаниш учун қиматбаҳо дори-дармонлар сотиб олишда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, Чернобыль фалокати оқибатини тугатишда қатнашиб ногирон бўлган кишиларни умумхалқ байрамлари дастурхонига тақлиф этиш, уларга моддий ёрдам ажратиш, кўнглини кўтариш инсоний фазилат сифатида яхши анъаналарга айланган.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам.

Корхона меҳнат ахлининг соғлиғини мустаҳкамлаш учун ҳар йили тиббий кўриклар ўтказилмоқда, муҳтож бўлганларга соғлиғини тиклаш мақсадида санаторийлар, дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда.

Корхонада ишчиларнинг саломатлигига жиддий аҳамият берилади. Жумладан, уларнинг меҳнат таътилига қўшимча кунлар қўшилади, сўт соати олишлари, махсус кийим-кечак, пойабзал билан таъминланишлари учун қўшимча ҳақ тўланади. Барча

цехларда бепул овқатланиш, ювниш, кийиниш, дам олиш хоналари ташкил этилган. Жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам бериш учун дори-дармон қўтилари мавжуд ҳамда тиббиёт пункти бор. Бундан ташқари корхона яқинида поликлиника бўлиб, ходимлар зарур тиббий хизматдан фойдаланишлари учун корхона томонидан ҳар йили поликлиникага белгиланган миқдорда маблағ ўтказиб келинмоқда.

Корхона ахлининг фарзандлари ёзги мавсумда мароқли дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ҳар йили бепул йўлланмалар берилмоқда. Кўп болали ишчи-хизматчилар янги ўқув йили бошида фарзандларига мактаб ўқув қуролларини сотиб олиш-

лари учун моддий ёрдам пули ола-дилар.

Хайр-саховат халқимизга хос одатдир. Умумхалқ байрамлари ва курувчилар кўни шодиёнаси муносабати билан ишчи-хизматчиларга мукофот пули ажратилади, қишки мавсумга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун барча ходимлар, пенсионерларга моддий ёрдам пули берилади. Корхона оталиғида 580-сонли болалар боғчаси бўлиб, бу тарбия масканига ҳам ёрдам кўрсати-лмоқда.

Маънавий озик олиш давр талабидир. Ишчиларнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан қамол топишлари учун Республика ва Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказидан мутахассислар тақлиф этилгани ҳолда муҳим мавзулар бўйи-

ча маърузалар, суҳбатлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Кўрғаз-мали стендлар, «Маънавият ва маърифат» хоналари корхонанинг ҳар бир цехида ташкил этилган. Корхонанинг маънавий ишларни ташкил этиш ҳамда олиб боришдаги фаолияти эътиборга лойиқ бўлиб, Бектемир ту-манидаги барча корхоналарнинг иб-рат олаётганликлари қувонарлидир.

Бу йил «Қамолот» ёшлар ҳаракати-нинг корхонадаги ташкилоти учун хона ажратилди ва жиҳозланиб, ёш-ларнинг муаммоларини ҳал этиш, буш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида катта қулайлиқлар яратмоқ-да.

**Ильмира БАХТИЕВА,**  
«Норуда» очик акциядорлик  
жамияти касаба уюшма  
кўмитасининг раиси.

# ИЖТИМОЙ ХИМОЯ



8-те-  
мир-бе-  
тон ма-  
сулотла-  
ри корх-  
онаси оч-  
ик акция-  
дорлик  
жамияти  
раҳбари-  
яти ва ка-  
саба  
уюшма  
кўмитаси  
томони-  
дан илғор  
ходим-  
лар тақ-  
дирлан-  
моқда.

## Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлиқла-рини мустаҳкамлашдек муҳим иш доимо «Ўзшаҳарсозлик» лойиҳа илмий-текшириш институти очик акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳамда касаба уюшма кўмитаси-нинг диққат марказини эгаллаган. Ходимларнинг ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувват-лаш мақсадида йўл чипталари ҳар йили харид қилинмоқда. Ходимларга бир кунлик ва хизмат сафаридаги меъёрдан ортқ миқдордаги иш ҳажми учун ҳақ тўланади.

Кутлуг саналар муносабати билан ходим-лар мукофотланмоқда. Меҳнат ахли фар-зандларининг соғлиғини тиклаш мақсадида болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар, болаларнинг дам олиш учун шаҳардаги маданият ва истироҳат боғлари-га чипталар харид қилинмоқда. Бундан таш-қари тўлиқ бўлмаган оилаларда тарбиялана-ётган болалар учун дам олиш уйларига икки кунлик йўлланмалар сотиб олинмоқда.

Янги йил байрами, Халқаро хотин-қизлар кўни каби шодиёналарда барча ходимлар, муҳтарам аёллар, пенсионерлар эсдалик совғалари, гуллар билан тақдирланиб, кон-церт дастурлари уюштирилди ҳамда байрам дастурхонининг азиз меҳмони бўдилар. Ёнг муҳими, инсонга эътибор бериш, иззат-ик-ром кўрсатишдир.

Байрам шодиёналарида бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қўришиб, кишилар би-ри-бирларига меҳр-муҳаббат, яхши ниятларни тилайдилар. Бу эса жамоада маънавий му-

ҳитни мустаҳкам, меҳнатнинг унумли бўли-шига хизмат қилмоқда. Курувчилар кўни — касб байрами Оқтош дам олиш гўшасида барча ходимлар, улар-нинг оила аъзолари иштирокида кенг нишон-ланиб, спорт турлари бўйича қизикарли му-собақалар уюштирилмоқда.

Соғ танда соғлом фикр, деб бежиз ай-тилмаган. Ҳар бир ходим меҳнат таътилига кетаётганда даволаниши учун битта лавозим маоши миқдоридан иш ҳақи ҳар йили тўла-нади. Айрим ҳолларда узоқ вақт бетеб бўлган ходимларга даволаниши учун моддий ёрдам берилади. Бундан ташқари ходим ёки унинг оила аъзоси шифо топиши учун операция қилинганда моддий ёрдам кўрсатилади.

«Оқтош» сўлим дам олиш гўшасида ўтган йилда 100 нафардан оғир ҳодим ва унинг оила аъзолари мириқиб дам олдилар.

Спорт-меҳнат жамоаси ҳаётининг ажрал-мас қисмига айланган. Аёллар мунтазам ра-вишда «Саломатлик» гуруҳида ҳамда эркак-

лар баскетбол жамоасида астойдил шугу-ланиб соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар.

Институтда барча зарур шaroитга, қулай-ликларга эга бўлган тренажёрлар зали бўлиб, ходимлар иштиёқ билан шугуланмоқ-далар. Шунингдек, меҳнат жамоасида стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича машғулот-лар олиб борилади, кутлуг саналарда эса спортнинг мазкур турлари бўйича мусобақа-лар ўтказиш яхши анъаналарга айланган. Сув ҳавасида сузиш учун ҳар йилда абонемент-лар харид қилинади.

Маданий ҳордик — киши дунёқарашининг кенгайишига, билимининг ошишига хизмат қилади. Шу эзгу мақсад йўлида театрларда сахна асарларидан баҳраманд бўлиш учун чипталар сотиб олинди, институт кутубхона-си техника, ҳуқуқшунослик, бадий соҳага оид бўлган адабиётлар билан бойитилмоқ-да.

Меҳнат ахлини қўллаб-қувватлаш, ишчан-лик руҳини, дўстона қайғитини жамоада сак-лаш мураккаб вазифаларини ҳал этишда на-тижасини бермоқда.

**Галина БЕЛЯЕВА,**  
«Ўзшаҳарсозлик» илмий-текшириш  
институтини очик акциядорлик жамияти  
касаба уюшма кўмитасининг раиси.

## ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюш-маси шаҳар кўмитаси тизимидаги корхоналарда бу масалага жиддий эътибор берилади. Кези кел-ганда айтиш керакки, она-оналарга баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатиш мақсадида 1-синфга ўқишга бо-раётган болаларга мактаб ўқув қуролларининг тақ-дим этилиши хайрли анъаналарга айлиниб, бошқа тармоқлардаги корхоналар, ташкилотларнинг жа-моа шартномаларидан ҳам ўрин олганлиги қув-онарлидир.

Бинокор ахлининг ман-фаатини ҳимоялаш, фар-зандларининг мароқли дам олишларига шаҳар кўмитаси тизимида катта аҳамият берилмоқда. Кор-хона ишчи-хизматчилари баракали фаолият кўрса-тиб, пенсияга кетган иш-чилар умумхалқ байрамла-рида моддий жиҳатдан рағбатлантирилади. Шу-нингдек, Хотира ва кадр-лаш кунда уруш фахрий-лари, меҳнат fronti иш-тирокчиларига моддий ёр-дам берилиб, байрам да-стурхонига тақлиф этила-ди.

Ёзги мавсумда ишчилар «Чиноз» дам олиш гўшаси-да ҳордик чиқарадилар.

Бу йил ҳам хайрли иш-лар давом эттирилмоқда. Корхона ишчиларининг фарзандлари учун янги йил байрам томошасига 220 дона чипта, байрам совғаси харид қилиниб, болалар мириқиб маданий дам олиб, беҳад шодлан-дилар.

Маҳалла — ҳар бир ин-сон учун кадрли, файзли маскан бўлиб, унинг ободлиги хонадонимиз тинч-тотувлиги, юртимиз равнақига ихобий таъсир этади. Шу мақсадда кор-хонадаги 150 нафардан зиёд киши ободончилик, кўкаламзорлаштириш иш-ларида фаол қатнашди.

Халқаро хотин-қизлар байрамида корхонадаги муҳтарам аёлларимиз-нинг ҳар бирига 20 минг сўмдан моддий ёрдам бе-рилди. Бу ўтган йилдаги-дан икки ҳисса кўпдир.

Яшариш ва янгиланиш байрами Наврўзда шанба-лик ўтказилиб, 150 нафар-

га яқин ишчилар қатнашиб мева-ли кўчатлар, кўллаб ранго ранг, хушбўй гуллар экилади. Барча ходимлар-га ўн минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Болалар бизнинг кела-жагимиз. Улар учун меҳр-мурувват ишлари бажони-дил амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йилда шахримиздаги 90-мактаб-лицей ва 36, 90, 294-ўрта мактабларга қурилиш ма-териаллари орқали хай-тирокчиларига моддий ёр-дам берилиб, байрам да-стурхонига тақлиф этила-ди.

Муҳтожларга баҳоли қудрат кўмак бериш савоб-ли амаллардан ҳисоблана-ди. Оилавий шароити огир-лиги туфайли мурожаат қилган ночор оилалардан 11 тасига, Хотира ва кадр-лаш кўни муносабати билан уруш ҳамда меҳнат fronti қатнашчиларига белгиланган миқдорда мо-ддий ёрдам кўрсатилди. Бун-дай хайрли ишларни имко-ният топиб бажариш, кек-саларнинг дуосига сазовор бўлиш, болаларнинг мин-натдорчилигига эришиш ишларнинг ривожига сабаб бўлиб, ўзининг самарасини беради.

**Қадамбой ҲАЛИМОВ,**  
8-темир-бетон  
маҳсулотлари  
очик акциядорлик  
жамияти  
бошқаруви раиси.  
**Аселя ОСМАНҚУЛОВА,**  
корхона касаба  
уюшма  
кўмитасининг раиси.

Яқинда давлат муас-сасалари ва жамоат хиз-мати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кўмита-си томонидан Тошкент банк ҳисоб-кредит кол-лежида талабалар билан «Касаба уюшмаларининг меҳнаткашларнинг иж-тимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида-ги вазифалари ва матбу-отнинг ушбу ишларни амалга оширишдаги роли ҳақида» мавзуда учрашув ўтказилди. Тад-бирни коллеж директо-рининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ак-ром Омонов кириш сўзи билан очди.

## ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИШДИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимла-ри касаба уюшмаси шаҳар кўмитаси раиси Ҳожиак-бар Бахтиёров тармоқда меҳнат ахлининг манфаат-ларини ҳимоя қилиш бора-сида, шунингдек, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида, хусусан шаҳар ка-саба уюшмалари кенгаши-нинг ташаббуси билан олий ўқув ва ўрта махсус билим юрларининг аъло-ли ва жамоатчи талаба-ларидан энг муносибларини рағбатлантириш мақсади-да бир неча йиллар аввал таъсис этилган касаба уюшмалари стипендианти деган фахри номга ушбу коллеж талабалари ҳам муассар бўлганликларини фахр билан таъкидлаб ўтди. Сўнгра «Ишонч» газе-тасининг бўлим мудири Неъмат Рафиқов меҳнат-кашларнинг манфаатлари-ни ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган тад-бирларни ёритиш юзаси-дан қилинаётган ишлар ҳу-сусида атрофлича тўхталиб ўтди.

Талабалар ўзларини кизиктирган масалалар юзасидан мурожаат қилди-лар. Ўзаро фикр алмашиш руҳида, савол-жавобларга бой бўлган, жонли мулоқот тарзида қизикарли ўтган анжуман барчада яхши та-ассурот қолдирди.

**Улугбек ПҲЛАТОВ**

«Тошкент оқшоми»

ХУКУҚИЙ  
МАСПАХАТХОНАСИ

## Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

### 3.2. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари

**86. Мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи асослар нима-лардан иборат?**Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари, **Фуқаролик кодексининг 182-моддасида** қайд этилганидек, қуйдагилардан иборат бўлади:

- 1) меҳнат фаолияти;
- 2) мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти, шу жумладан:
  - мол-мулкни яратиш;
  - мол-мулкни кўпайтириш;
  - мол-мулкни битимлар асосида қўлга киритиш (103 – 132-саволларнинг жавобига қаранг);
- 3) давлат мол-мулкни хусусийлаштириш;
- 4) мерос қилиб олиш (143 – 180-саволларнинг жавобига қаранг);

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи мuddат (88-саволнинг жавобига қаранг);

6) Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар.

**87. Мулк ҳуқуқи қандай асосларга биноан бекор қилиниши мумкин?**Мулк ҳуқуқи: биринчидан, мулкдорнинг мажбуриятни ихтиёрий суратда бажарганлигига асосан; иккинчидан, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилганлигига асосан; учинчидан, мол-мулкни суд қарори асосида олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан; тўртинчидан, мазкур ҳуқуқни бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади (**Фуқаролик кодексининг 197-моддаси**).

### 3.3. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи мuddат

#### туфайли мулк ҳуқуқини олиш

**88. Мулкдор бўлмаган шахс ўзи эгалик қилиб турган мол-мулкка мулк ҳуқуқини олиши мумкинми?**

Мулкдор бўлмаган шахс: а) кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида; б) бошқа мол-мулкка беш йил давомида эгалик қилган тақдирда эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи мuddат туфайли бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади. Бунда у мазкур мол-мулкка ўзиники қаби:

- 1) ҳалол;
  - 2) ошқора;
  - 3) узлуksиз эгалик қилган бўлиши шарт.
- Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи мuddат туфайли мулк ҳуқуқини олгунга қадар мол-мулкка ўзиники қаби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини қуйдагилардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга:
- мол-мулкнинг эгаси бўлмаган учинчи шахслардан;
  - қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан.

### 3.4. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш

**89. Мулк ҳуқуқининг қонун билан ҳимоя қилиниши қандай таъминланади?**Мулк ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилинади. **Фуқаролик кодексининг 228-моддасида** назарда тутилганича, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонсуз эгаллигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмасам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

Мулк ҳуқуқининг қонунда назарда тутилган ҳимоя қилиниши суд тартибиде амалга оширилади.

**90. Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш тартибининг ўзига хос жиҳати нимада?**

Агар мол-мулк ўни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан бу ҳолни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган, яъни инсофли эгалловчи томонидан ҳақ тўлаб олинган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни (суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган мол-мулк бундан мустасно) ундан, яъни инсофли эгалловчидан қуйдаги ҳолларда талаб қилиб олишга ҳақли:

- а) мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган бўлса;
- б) мол-мулк мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган бўлса;
- в) мол-мулк мулкдорнинг ёки у мол-мулкни берган шахснинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса.

Борди-ю, мол-мулк ўни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, **Фуқаролик кодексининг 229-моддасида** биноан, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

(Давоми бор)

Ана шундай инсонлар ҳақида ўйлаганим-да каминга ўхшаган минглаб шогирдлари бўлган, саховатли қалб эгаси, камтарлиги, одамларга ғамхўрлиги, бегараз хизматлари билан алоҳида ажралиб турадиган меҳри дарё устозимиз Эркин ака Қосимов кўз олдимга келади. Дарҳақиқат Тошкент Давлат 2-тиббейт институтини ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг мудири, профессор Эркин Қосимов ҳақида сўз кетганда уни билган кишилар ва ҳамкасб дўстлари бу фидойи инсон ва заҳматкаш олим ҳақида тўлиб-тошиб гапирарди, унинг тиббейт фани соҳасида кўрсатаётган саъй-ҳаракатлари, ҳалол меҳнатлари ҳақида фахр билан сўзлашади.

Ўзининг 45 йиллик тиббейт соҳасидаги илмий фаолияти давомида 500 дан ортқ илмий рисолалар, учта дарслик, иккита монография, қирдан зиёд услубий қўлланмалар яратган, кўплаб фан докторлари ва номзодларига устозлик қилган, минглаб талабаларга сабоқ берган Эркин ака ҳақида ҳар қанча гапирса шунча озлик қилади. Устознинг нафақат мустақил юртимизда, балки Хитой, АҚШ, Англия, МДҲ мамлакатларида ҳам доврўи кенг ёйилган. Эркин аканинг серкирра фаолиятининг Америка Қўшма Штатлари ва Англиядек қудратли давлатларда эътироф этилиши фикримиз далилидир. Устознинг АҚШнинг Шимолй Каролина штатидаги Америка биография институтини томонидан «Йилнинг нуфузли кишиси» деб номланган олтин медаль билан тақдирланиши, ушбу институт Илмий кенгашининг фахрий аъзо этиб сайланиши ҳамда энциклопедик китобдан устознинг илмий фаолиятлари тўғрисида салмоқли маълумотлар берилиши ҳар биримизнинг қалбимизда фахр ва ифтихор тўғуларини ўйлатади. Ёки Англия Кембридж Халқаро Биография марказининг олий нишони — «XX асрининг интеллектуал» қумуш медали билан тақдирланишичи? Бундай халқаро мукофотларга мунсаар бўлиш ҳаммага ҳам назиб этавермайди. Лекин бундай бахт, бундай юксак шараф устозимизга насиб этганлигидан ҳар биримиз қувонамиз ва фахрланамиз.

Ўтган йили Эркин аканинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ватандошларимиз қаторида ҳалол меҳнатлари учун Эркин Қосимовга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими фахрий унвони берилди.

Дарҳақиқат, юртимизда ҳалол ва фидойи меҳнат қилганлар доимо ўз эъзозини топади, давлатимиз бундай инсонлар ҳурмати-

ни жойига қўяди. Эркин ака ҳам ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари маҳсулини кўриб келаётган юртдошларимиздан биридир. Шу ўринда устозимизга инсон саломатлиги йўлидаги изланишлари учун «Энг яхши профессор», «Тошкент Давлат 2-тиббейт институтини хизмат кўрсатган профессор» унвонлари берилганини, республика

бўйича утқазилган бир қанча кўрик-танловларда олий даражали дипломлар билан тақдирланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Эркин аканинг ташаббуси билан институт ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида гепатологик илмий гуруҳи ташкил этилганлиги, устоз раҳбарлигида сурункали жигар касалликларига жигарнинг клиник-иммунологик хусусиятлари ва уларнинг имунокоррекцияси масалалари чўқур ўрганиб чиқилганлиги тиббейт фанига қўшилган салмоқли ҳисса бўлди. Эркин аканинг жамо-

атчилиги фаолияти ҳам серкиррадир. Ўзбекистон врачлари ассоциациясининг вице-президенти, Ўрта Осиё терапевтлари ассоциацияси раисининг ўринбосари, Тошкент терапевтлари илмий жамиятининг раиси, Ректорлар раёсати қошида республика терапия соҳаси бўйича яқна фан комиссиясининг раиси, «Ҳамишара» журналининг бош муҳаррири сифатида ва яна қатор жамоат ишларида фидойилик кўрсатиб ишлаётганлиги ҳар қанча тахсинга лойиқдир.

Устоз асло тиниб-тинчимади. Доимо бирорта бир янги гоё ва тақлифлар билан юрди. Шу боисдан Эркин акани қомусий ва лугатшунос олим, фалсафий мушоҳадаларга бой инсон сифатида жуда қадрлашади. У кишининг қаламига мансуб асарлар ҳар доим қизиқиш билан ўқилади, унинг китоблари доимо қўлма-қўл бўлиб кетади. Ўзларининг табаррук етмиш ёшларини қаршилаган устозимиз ушбу қутлуг санага ҳам туфалар тайёрлади. Устозимизнинг қаламларига мансуб бўлган, ўз мураббийлари ҳақида дил изҳорлари битилган китоб муҳлислари қўлига бориб етди.

Профессор, камтарин ва одамшинаванда инсон, ҳаётда ўзининг бегараз меҳнатлари ва қўлдан келган аҳшиликлари билан нурли из қолдириб келаётган устозим ҳақида яна ва яна кўп гапирishi мумкин. Қолган гапларни эса Эркин аканинг саксон йиллик тўйлари кўни айтиш насиб этишини чин дилдан истаб қоламан.

**Қутбиддин НИЗОМОВ,**  
Тошкент Давлат 2-тиббейт институтини катта ўқитувчиси.

**СУРАТДА: профессор Эркин Қосимов (ўртада) бўлғуси шифокорларга маслахат-тавсиялар бермоқда.**

### • ЗАҲМАТКАШЛАРИМИЗ

## УМРНИНГ НУРЛИ САҲИФАЛАРИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар билан бир марта улфатчилик қилган, оханграбодек сўзлари билан дилингизни ром этган, бир қарашдаёқ сизни ўзига мафтун айлаган бундай кишилар бир умрга ёдингизда қолади, кўнглингиз «шундай инсонлар билан қани энди яна бир бор учрашсам» деган орзулар билан лиммо-лим бўлиб тўлиб яшайди.



атчилиги фаолияти ҳам серкиррадир. Ўзбекистон врачлари ассоциациясининг вице-президенти, Ўрта Осиё терапевтлари ассоциацияси раисининг ўринбосари, Тошкент терапевтлари илмий жамиятининг раиси, Ректорлар раёсати қошида республика терапия соҳаси бўйича яқна фан комиссиясининг раиси, «Ҳамишара» журналининг бош муҳаррири сифатида ва яна қатор жамоат ишларида фидойилик кўрсатиб ишлаётганлиги ҳар қанча тахсинга лойиқдир.

Устоз асло тиниб-тинчимади. Доимо бирорта бир янги гоё ва тақлифлар билан юрди. Шу боисдан Эркин акани қомусий ва лугатшунос олим, фалсафий мушоҳадаларга бой инсон сифатида жуда қадрлашади. У кишининг қаламига мансуб асарлар ҳар доим қизиқиш билан ўқилади, унинг китоблари доимо қўлма-қўл бўлиб кетади. Ўзларининг табаррук етмиш ёшларини қаршилаган устозимиз ушбу қутлуг санага ҳам туфалар тайёрлади. Устозимизнинг қаламларига мансуб бўлган, ўз мураббийлари ҳақида дил изҳорлари битилган китоб муҳлислари қўлига бориб етди.

**Қутбиддин НИЗОМОВ,**  
Тошкент Давлат 2-тиббейт институтини катта ўқитувчиси.

**СУРАТДА: профессор Эркин Қосимов (ўртада) бўлғуси шифокорларга маслахат-тавсиялар бермоқда.**

## “АЁЛ ЗОТИ” ЭКРАНДА

Тошкентда БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти ва аҳолишунос-лик жамғармаси ҳомийлигида суратга олинган “Аёл зоти” телесериалининг тақдимот маросими ўтказилди. Мазкур сериал 28 июндан бошлаб “Ёшлар” телеканали орқали томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

— “Аёл зоти” телесериали томонидан илиқ кутиб олин-иш бизни янада илгари қадам ташлашга ундади. Натижада, навбатдаги етти қисмдан иборат телесериал ишланган, томошабинга ҳавола этилди. Сериалнинг муваффақият қозониши-да таниқли кинорежиссёр Зул-фигор Мусоқов бошчилигидаги ўзбек актёрларининг хизматла-ри катта бўлди. Сериалда

ҳозирги ҳаётда учраётган муам-молар, уларнинг ечимлари ҳақида ҳикоя қилинади.

— Мазкур сериал тўрт йўна-лишда ривожланиб боради. Унда умуман бир-биридан фарқ қилувчи тўрт инсоннинг тақди-ри ҳақида ҳикоя қилинади. Се-риалдаги ҳар бир қаҳрамон-нинг ўзига яраша муаммоси бор. Булар ҳозирги турмуши-мизда учраётган муаммолардир. Сериал аёлларнинг ихтиёмо-й ҳимоясига бағишланиб, қайно-на ва келин ўртасидаги муно-сабат, тийвандилар ва ОИТСга қарши курашда аёлнинг роли борасида ҳикоя қилади.

“Туркистон-пресс”



## Спорт

## Рингда — «чарм кўлқоп» усталари

Навоий шахрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий С.Жаксон хотирасига бағишланган бокс бўйича турнир ўтказилди. Унда 48 килограммгача бўлган вазндан 91 килограммгача вазнлар тоифасидаги 126 нафар «чарм кўлқоп» усталари ғолиблик учун мурасасиз кураш олиб боришди. Қизгин жангларга бой ўтган беллашувлар якунида эса турнир шохсупасининг тўрига ўз вазнлари тоифасида Фарғонадан Отабек Мамажонов, Дилшод Маҳмудов, Баҳодир Сиддиқов, Шерзод Хусанов, Намангандан Азиз Улуғов, Тошкент шахрининг Бехзод Хидиров, Сўхроб Раҳматов, Музаффар Соипов, пойтахт вилоятидан Икром Бердиев, Андижондан Сергей Михайловлар кўтарилишди. Турнир якунида ғолиб ва сирдорларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

## Жанговар дуранг,

## аммо...

## ЎТГАН КУНИ

футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 14-тур беллашувлари пойтахтимизнинг бош жамоаси «Пахтакор»ни турнир жадвалининг иккинчи ўринга тушириб юборди. Қувасойда «Цементчи» жамоасига меҳмон бўлган тошкентлик футболчилар мурасасиз кечган ушбу беллашувда 2:2 ҳисобидаги дуранг натижани қайд эттишди. Дарвозаларга тўпларни «Цементчи»дан Акбаров, Мамажонов, «Пахтакор»дан Солиев ва Қосимовлар йўллашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Трактор» — «Нефтичи» 1:4, «Андижон» — «Насаф» 1:1, «Сурхон» — «Дўстлик» 1:0, «Қўқон» — «1912» — «Бухоро» 1:0, «Самарқанд» — «Динамо» — «Навбахор» 1:3, «Машъал» — «Қизилқум» 1:3, «Гулистон» — «Металлурги» 3:2. Навбатдаги 15-тур бахслари 28 июнда бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги 328-мактаб томонидан 2001 йилда Иброҳимий Абдул Сатар Таваккал шох ўғли номига берилган O'R-G № 0027637 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## • ХУКУҚ

## ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ — БОШ ОМИЛ

Ўзбек романчилигига асос солган машҳур ёзувчиларимиздан бири А.Кодирий «Меҳробдан чаён» романидаги боллардан бирига «Қоп йўқотдингизми?» деб сарлавҳа қўйган эди. Албатта романда ҳеч ким қоп йўқотмайдди. Лекин бизнинг мақоламиздаги низолашавётган тарафлар келишимовчилигига айнан қоп сабаб бўлган. Мазкур воқеадан тўлиқ хабардор бўлмаган кишилар бу қандай қоп эканки шунчалик жанжалга сабаб бўлган бўлса, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Айтиб қўйлик, бу оддий бўм-бўш қоп ичида хазинаси ҳам йўқ. Келинг, гапнинг индаллосини айтиб қўйлик. Хусусий тadbirkor Р.Муҳамедов бу ерда даъвогар бўлиб, «СЛ Ўзбекбирлашув интернационал Ко ЛТД» қўшма корхонаси жавобгар ҳисобланади.

Маълум бўлишича, улар ўртасида 2002 йилнинг 11 мартида шартнома имзоланган бўлиб, унинг шартларига кўра даъвогар шартнома имзоланган кундан бошлаб ўн кун ичида жавобгарга 20 тонна, ҳар бир тоннасининг 1.500.000 сўмдан 30.000.000 сўмлик хом ашё етказиб бериши, жавобгар эса оғирлиги саксон граммдан бўлган 250.000 дона қопларни тайёрлаб бериши керак бўлган. Кейинчалик шартномада ўзгариш қилинган — даъвогар 10 тонна хом ашёни қайтариб олган. Жавобгар эса қолган 10 тонна хом ашёдан 125.000 дона қоп тайёрлаб бериши лозим бўлган. Бундай олиб қараганда иш силлиқ кетаётган эди. Чунки

жавобгар 5 тонна хом ашёдан 62.500 дона қопни оғирлиги саксон граммдан қилиб тайёрлаб берган. Кейинчалик жавобгар бу қопларнинг оғирлиги саксон граммдан эмас, балки 85, 89, 90 граммдан бўлганлигини вақт қилиб қолган хом ашёдан тайёрланган 260.670 дона қопларни доналаб эмас, балки килолаб беришини тузилган шартнома собиқ раҳбар томонидан қорхона зарарига тузилганлигини билдирган, бу эса даъвогарнинг хўжалик судига мурожаат қилишига сабаб бўлган. Биринчи босқич судида иш даъвогар фойдасига ҳал бўлди. Аммо жавобгар апелляция шикоятчи билан мурожаат қилиб мазкур қарордан

норози бўлган. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ерда қим ҳақ? Даъвогар ҳам жавобгар ҳам ўз манфаатини кўлаб турибди. Аммо яхши ҳамки сўнгги йилларда иқтисодий муносабатларда шартнома асосида ишлаш кенг йўлга қўйилмоқда. Мазкур низоли ишда ҳам шартнома тузилганлиги боис қим ҳақ эканлигини ойдинлаштириш унчалик қийин бўлмади. Чунки, шартнома тузилгандан сўнг қопларнинг оғирлигини ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилиши мумкин эди. Аммо мазкур ҳолда тарафлар ўртасида низонинг келиб чиқишига ҳам айнан қопларнинг оғирлиги юзасидан

мавжуд фарқлар сабаб бўлган. Аммо қопнинг оғирлиги 80 граммдан бўлиши тарафлар томонидан шартномада белгиланган эди ва унинг оғирлиги бошқача бўлиши ўзгартирилмаганди. Шунингдек, экспертиза натижаларидан маълум бўлишича қопларни тайёрлаш технология қараёни жавобгар томонидан қандайдиган кўра бажарилмаган. Бу ҳолатда қопларнинг оғирлиги кўпайиб кетишига даъвогарнинг умуман алоқаси ҳам, айби ҳам йўқ. Барча айб жавобгарнинг ўзида бўлиб чиқди. Хуллас — «СЛ — Ўзбекбирлашув» интернационал Ко ЛТД» қўшма корхонасининг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши бир оз қимматга тушди. У даъвогар хусусий тadbirkor Р.Муҳамедов фойдасига 7.650.000 сўм асосий қарз, 172125 сўм пеня тўлайдиган бўлди. Қиска қилиб айтганда, масалага ойдинлик киритилди. Аммо ойдинлик киритгунча қандайдан-қанча одамларнинг вақти сарфланди.

Хулоса қилиб айтмоқчимизки, агар ҳамма ўз вазифасига сикирилдан ёндошса бундай низо-ларнинг олди ҳам олинган бўлар эди.

Шухрат ХУЖАНАЗАР  
Тошкент шаҳар хўжалик судининг судьяси.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби  
2003-2004 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича  
АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

## КУНДУЗГИ ВА СИРТКИ БЎЛИМЛАРГА

- «Хореография—педагогикаси», ўқиш муддати — 4 йил
- «Хореография жамоалари раҳбари», ўқиш муддати — 4 йил

Олий мактабда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади

Қуйидаги ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади:

- ректор номига ариза;
- ўрта ва ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086У сонли шаклдаги тиббий маълумотнома;
- фотосурат 3х4 сантиметр ҳажмда — 6 та;
- паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

## КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР

- ихтисослик бўйича 10 июлдан 20 июлгача;
- умумий фанлар бўйича 25 июлдан 30 июлгача ўтказилади.

Мутахассислик фанларидан ижодий имтиҳонлар 21 июлдан 25 июлгача ўтказилади.

## ТЕСТ СИНОВЛАРИ

«Ўзбекистон тарихи» ва «Ўзбек тили ва адабиёти» 1 август кuni ўтказилади.

Вилоятлардан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга давлат гранти ҳамда тўлов-шартнома асосида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали илҳингиз мумкин: 56-05-28, 56-33-27, 56-24-36.

Олий мактаб манзили:

700031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-й (собиқ «Педагогическая» кўчаси) метронинг «Космонавтлар» бекати, 11-троллейбуснинг «Хореография Олий мактаби» бекати, 7, 8, 10-трамвайларнинг «Юсуф Хос Ҳожиб» бекати (собиқ «Туркман бозори» бекати)

## ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

## Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иш-тироқларидаги корхона, тadbirkorлик субъектлари ва хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзингизнинг тadbirkorлик фаолиятингиз жараёнида бузилган ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимияти Адлия бошқармасининг қуйидаги телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин:

162-92-42, 169-14-43, 169-14-50,  
169-14-52, 162-35-25.

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани, У.Носир кўчаси, 28-уйда жойлашган, «Халқ тараққиёти фонди» АЖ тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида 125-94-93 телефонни орқали қабул қилинади.

## ТУЗАТИШ

Газетанинг 2003 йил 19 июндаги сонидида «Чилонзор» ОИЧАЖ сарлавҳаси остидаги эълон берилганди. Ушбу сарлавҳа «Чилонзор» СИЧАЖ деб ўқилин.

Акмал Икромов туманидаги 297-мактаб томонидан 1998 йили Қурбон Улуғбек Шухратович номига берилган 450722 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Дийдор» театр-студияси томонидан 2003 йил 15 январда 1-сон билан рўйхатга олинган ҳар бири 300 сўмлик 3000 дона чипталар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Дийдор» театр-студиясининг 5177902-сонли тўлдирилмаган меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2003 йил 4 февралда Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан Рамиля Зуфаровна Гилезова номига берилган № 0523515 (ИИН 452427688) рақамли экспорт ва импорт операциялари ҳамда тикувчилик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи патент йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Муассис:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажмин — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
5952 нусхада босилади. Қўғоз бирими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-ридан билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошқаровида.  
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.